

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ**

БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ТАСВИРИЙ ВА АМАЛИЙ САНЪАТ (ТУРЛАРИ
БЎЙИЧА)” ЙЎНАЛИШИ**

**“ТАСВИРИЙ ВА АМАЛИЙ САНЪАТ ФАНЛАРИНИ
ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ”**

модули бўйича

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Тошкент – 2016

Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 6 апрелидаги 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи: К.Бехзод номидаги МРДИ “Маҳобатли рангтасвир” кафедраси профессори
Худайбергенов Рустам Адамбаевич

Такризчилар: **Жанубий Корея Республикаси Конгук университети** профессори, PhD Kim In Og

К.Бехзод номидаги МРДИ “Маҳобатли рангтасвир” кафедраси доценти Бекмиров Чори Джумаевич

Ўқув-услугий мажмуа Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Кенгашининг 2016 йил _____даги ____-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	9
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	17
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ	44
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	49
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	52
VII. ГЛОССАРИЙ	53
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	59

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур ривожланган мамлакатлардаги мавжуд халқаро тажрибалар асосида яратилган “Рангтасвир (турлари бўйича)” қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши бўйича ишлаб чиқилган намунавий ўқув режа ва дастур мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Ушбу дастурда “Рангтасвир фанини ўқитиш методикаси” модули бўйича назарий, амалий ва индивидуал машғулотларни ташкил этиш, композициянинг асосий қонунлари ва воситаларини, рангтасвир фанини ўқитиш жараёнида шахс имкониятларини, рангтасвир фанини ўқитиш жараёнининг мазмуни, шакли, восита ва методларини, рангтасвир фанини ўқитиш жараёнида интерфаол методлар классификациясини, рангтасвирда анъанавий ва замонавий услубларни, рангтасвир кўринишларини, тасвирий санъат соҳасидаги долзарб масалаларни ўрганиш каби маълумотлар баён этилган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг **вазифаларига** қуйидагилар киради:

“Рангтасвир (турлари бўйича)” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

- рангтасвир фанини ўқитиш жараёнининг мазмуни, шакли, восита ва методларини амалда тадбиқ этиш;

- махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

- “Рангтасвир (турлари бўйича)” йўналишида ўқув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

“Рангтасвир фанини ўқитиш методикаси” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- композициянинг асосий қонунлари ва воситаларини;
- композициянинг назарий жиҳатларини;
- рангтасвир фанини ўқитиш жараёнида шахс имкониятларини;
- рангтасвир фанини ўқитиш жараёнининг мазмуни, шакли, восита ва методларини;
- рангтасвир фанини ўқитиш жараёнида интерфаол методлар классификациясини;
- арт-терапия методининг ўзига хос жиҳатларини;
- рангтасвирда анъанавий ва замонавий услубларни;
- рангтасвир фанида муаммоли технологияларни;
- композиция фанини ўқитишда инновацияларни;
- рангтасвир кўринишларини;
- рангтасвирда бадийликнинг яхлитлиги ва умумий колорити тизимини;
- тасвирий санъат соҳасидаги долзарб масалаларни **билиши** керак.

Тингловчи:

- композициянинг асосий қонунлари ва воситаларини ўрганиш;
- рангтасвир фанини ўқитиш жараёнида шахс имкониятларини билиш;
- рангтасвир фанини ўқитиш жараёнининг мазмуни, шакли, восита ва методларини амалда тадбиқ этиш;
- рангтасвир фанини ўқитиш жараёнида интерфаол методлар классификациясини ўрганиб чиқиш;

- арт-терапия методининг ўзига хос жиҳатларини билиш;
- рангтасвирда анъанавий ва замонавий услубларни билиш;
- рангтасвир фанида муаммоли технологияларни ишлаб чиқиш;
- рангтасвир кўринишларини билиш;
- рангтасвирда композицион ечим масалаларини ёритиш;
- рангтавир фанидаги модернизация ва ўзгаришларни, мазмун-моҳиятини етказа билиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- композициянинг асосий қонунлари ва воситаларини амалда қўллаш;
- рангтасвир фанини ўқитиш жараёнида шахс имкониятларидан фойдаланиш;
- рангтасвир фанини ўқитиш жараёнининг мазмуни, шакли, восита ва методларини амалда тадбиқ этиш;
- рангтасвир фанини ўқитиш жараёнида интерфаол методлар классификациясидан фойдаланиш;
- арт-терапия методининг ўзига хос жиҳатларини амалда қўллаш;
- рангтасвир йўналиши бўйича хорижий тилдаги манбалардан педагогик фаолиятда фойдаланиш;
- чизматасвирда умумий яхлитлигига эришиш;
- мумтоз ва замонавий усулларда рангтасвир композицияси ишлаш;
- рангтасвир санъатида ижодий жараёнлар, технологиялар ва инновацияларни қўллаш;
- рангтасвир санъатига оид асарларни замонавий усулларда ишлаш бўйича **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- рангтасвир санъатида янги композицион ғоялар устида ишлаш;
- рангтасвирда ижодий тафаккур юритиш ва бадиий талқин этиш;
- рангтасвирнинг эстетик жиҳатлари ва бадиий дидни ривожлантириш;
- йўналиш ва оқимлардаги (классик-модерн) услубларини ижодий ривожлантириш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Рангтасвир фанини ўқитиш методикаси” курси маъруза ва амалий машғулот ҳамда мустақил таълим шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, бир бор мавзу асосида назарий кўрсатмалар ва кўрғазмали тасвирий воситалар,

амалий ишланмаларни бажариш каби усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Рангтасвир фанини ўқитиш методикаси” модули мазмуни ўқув режадаги “Тасвирий санъатда анъанавий ва замонавий услублар”, “Рангтасвир фанини ўқитишда компьютер графикасидан фойдаланиш”, “Рангтасвирда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш технологиялари”, “Шакл тасвирининг психологияси ва идрок қилиш назарияси” ва “Арт маркетинг” ўқув модули билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар рангтасвир санъатида янги композицион ғоялар устида ишлаш, рангтасвирда ижодий тафаккур юритиш ва бадиий талқин этиш, рангтасвирнинг эстетик жиҳатлари ва бадиий дидни ривожлантириш, йўналиш ва оқимлардаги (классик-модерн) услубларини ижодий ривожлантиришга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юклараси, соат					
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юклараси				Мустақил таълим
			Жами	жумладан			
				назарий	амалий машғулот		
1.	Рангтасвир фанини ўқитиш жараёнида шахс имкониятлари.	2	2	2			
2.	Рангтасвир фанини ўқитиш жараёнининг мазмуни, шакли, восита ва методлари.	6	6	2	4		
3.	Рангтасвир фанини ўқитиш жараёнида интерфаол методлар классификацияси.	4	4		4		
4.	Мутахассислик фанларини ўқитишда хорижий мамлакатлар тажрибалари.	2				2	
Жами:14 соат		14	12	4	8	2	

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Рангтасвир фанининг ўқитиш жараёнида шахс имкониятлари.

Рангтасвир фанини ўқитилишида индивидуал ёндашув. Ўзбекистон рангтасвир ва монументал безак санъатига оид асарлар. Меъморчилик ва тасвирий санъатнинг ривожланиши.

2-мавзу: Рангтасвир фанини ўқитиш жараёнининг мазмуни, шакли, восита ва методлари.

Рангтасвирда чизматасвирнинг роли. Композиция асосий қонунлари ва воситалари. Натюрморт ва ашёда ишлаш услуги.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

1-амалий машғулот: Рангтасвир фанини ўқитиш жараёнининг мазмуни, шакли, восита ва методлари.

Рангтасвирда шакл ва қиёфалар чизма тасвирини бажариш. Рангтасвирда шакл ва қиёфалар композицияси. Рангтасвирда шакл ва қиёфалар образини яратиш. Тингловчиларга учун алоҳида махсус хона, рангтасвир ашёлари, мальберт, ҳар хил шакллар ва қиёфалар керак бўлади.

2-амалий машғулот: Рангтасвир фанини ўқитиш жараёнида интерфаол методлар классификацияси.

Рангтасвир фанини ўқитишнинг мақсади, вазифалари ва мазмуни. Рангтасвир фанини ўқитиш сифатини ошириш йўллари, шакли ва методлари. Таълим қонуниятлари ва усуллари

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш мезони	Максимал балл	Изоҳ
1.	Услубий кўрсатма тайёрлаш. (Бирор бир мавзу бўйича кўрсатма тайёрланади)	2.5	1.5 балл
2.	Мустақил иш (плакатлар ва кўрғазмали қурол, слайдлар) ташкил қилинади		1 балл

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.



“Ақлий ҳужум”

Ақлий ҳужум (брейнсторминг – миялар бўрони) – амалий ёки илмий муаммоларни ҳал этиш фикрларни жамоали генерация қилиш усули.

Методнинг мақсади: ақлий ҳужум вақтида тингловчилар мураккаб муаммони биргаликда ҳал этишга интилишади: уларни ҳал этиш бўйича ўз фикрларини билдиради (генерация қилади) ва бу фикрлар танқид қилинмасдан улар орасидан энг мувофиқи, самаралиси, мақбули ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.

Ақлий ҳужумнинг асосий вазифаси – ўқиб-ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш, муаммони мустақил тушуниш ва ҳал этишга мотивлаштиришни ривожлантириш, мулоқот маданияти, коммуникатив кўникмаларни шакллантириш, фикрлаш инерциясидан қутилиш ва ижодий масалани ҳал этишда фикрлашнинг оддий боришини енгиш.

Тўғридан-тўғри жамоали ақлий ҳужум – иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилишини таъминлайди. Бутун ўқув гуруҳи (20 кишидан ортиқ бўлмаган) битта муаммони ҳал этади.

Оммавий ақлий ҳужум – микро гуруҳларга бўлинган ва катта аудиторияда фикрлар генерацияси самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.

Ҳар бир гуруҳ ичида умумий муаммонинг бир жиҳати ҳал этилади.

Намуна: Гуруҳга муаммоли вазият берилади, мисол учун оркестрни ташкил этувчи коллективдаги психологик вазият ёмонлашиб, конфликт чиқадиган даражага етиб келган. Муаммони ҳал қилиш бўйича жамоали ақлий ҳужум, иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилиши ташкиллаштирилади.

Бу фикрлар танқид қилинмасдан, улар орасидан энг самаралиси, мақбули, яъни вазиятни нормаллашувга олиб келиши мумкин бўлган фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.

**“Кейс-стади”
методи**

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг

Кейс. Леонардо да Винчи “Монна Лиза” картинасини чизаётганда асар қаҳрамонининг ички дунёсини очиб бермаганида асар картина даражасига кўтарилармиди?

Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлари

- 1. Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни (кичик ва индивидуал гуруҳларда аниқлаш)**
- 2. “Монна-Лиза” портретини ишлашда қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини очиб беришда рассомнинг маҳоратини аниқланг. (гуруҳларда таҳлил ёзма ёки оғзаки.)**

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;

- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: “Тарихий ёки маиший мавзудаги кўпқоматли композиция асарининг ғояси”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.



Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини энгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

➤ ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;


➤ янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;

➤ таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн

билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.



Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тўлиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намоёниш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Мотив	(французча сўздан motif-сабаб, сюжет): 1) Натура объекти, рассом томонидан тасвирлаш учун мўлжалланган объект ёки баъзи холларда манзара бўлиши мумкин;	Амалий –безак санъатда – асосий элемент орнамент композицияси кўп такрорли бўлиши мумкин.
Муносабат, нисбат.	(отношения) – асар яратишда фойдаланилган натура элементларининг ўзаро боғлиқлиги. Масалан: рангтасвирда тус ва ранг муносабати, хар хил ёрқинлик нисбати. Чизматасвирда ўлчам ва шакл нисбатлари. Санъатда таққослаш усули билан аниқланади	Тус ва ранг муносабатлари контраст, ўткир ва енгил нюансли бўлиши мумкин.
Наброска	тез ишланган хомаки чизматасвир. Наброскада шакл тасвири умумлаштирилган бўлиб умумий тасаввур беради.	Наброска алоҳида аҳамиятга эга бўлиб картина учун бажарилиши мумкин.
Оригинал	(лотинча сўздан originalis – биринчи бор, асли, асл нусхаси) Тасвирий санъатда рассом томонидан ижодий яратилган санъат асари;	нусхаси олинган ҳар қандай тасвирий санъат асари.
Панно	(французча сўздан panneau-рамкага солинган тахта, доска) – Безакли хайкалтарошлик ёки рангтасвир асари; Бинога ёки бирон жойга	Панно байрам кунлари шаҳар кўчаларини безаш учун вақтинчалик жойлаштирилади.

	мўлжалланган бўлиши мумкин. Панно одатда деворни безаш учун хизмат қилади. Панно холстга ишланиши мумкин;	
Пластика	(грекча сўздан plastika- ваяние) – 1) рангтасвирда, чизматасвирда ва хайкалтарошликда буюмни шакллантириш, тасвирни ҳосил қилиш; 2) ифодали рангтасвир ишлаш йўли, мўйқалам билан ишлашдаги энгиллик, мохирлик.	Ҳайкалтарошликда, графикада ва тасвирий санъатда шаклнинг аниқликка, ифодаликка эришиш.

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

“Блиц-ўйин” методи

Методнинг мақсади: тингловчиларда тезлик, ахборотлар тизимини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустақамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу ёки бирор бир картина юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва тингловчилардан

бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қуйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: Рангтасвир фанини ўқитиш жараёнида шахс имкониятлари.

Режа

1.1. Рангтасвир фанини ўқитишда индивидуал ёндашув.

1.2. Ўзбекистон рангтасвир ва монументал безак санъатига оид асарлар.

1.3. Меъморчилик ва тасвирий санъатнинг ривожланиши.

Таянч иборалар: Тасвирий санъат, картина, рангтасвирда жанрлар, мойбўёқ, акварель, гуаш, бўёқларнинг солиштирма хусусиятлари, компоновка, перспектива, умумийлик, яхлитлик, ахроматика, хроматика, совуқ ранг, иссиқ ранг. колорит.

1.1. Рангтасвир фанини ўқитишда индивидуал ёндашув.

Умрида бир қарра илҳом чашмасидан баҳраманд бўлиб, дилидан чиқариб расм чизолган одам бахтли одамдир. Ҳар биримиз ҳам, болалик чоғларимизданок кўлимизга мўйқаламу - бўёқ олиб, қуёш, гуллар, қушлар, дарахтларнинг расмини солишга уринганмиз. Худди ана шу нарса кишининг бевосита ҳаётдан олган бахтиёр ва фахрли туйғуларининг ёрқин ифодасидир.

Камолотга эришган рассом эса ўзининг тўплаган тажрибасига таяниб, табиатдан илҳом олиб, гул ва япроқлардан турли-туман шакллар ясайди, уларга жимжимадор бўёқлар беради, турли нақшлар ва чизиқлар билан безайди.

Ўзбек усталарининг рангтасвир ва амалий санъатга оид асарларида халқ маданияти, турмуши ўз аксини топган. Санъатнинг бу тури асарлар оша такомиллашиб келди ва бизнинг кунларда ҳам тобора камол топаётир.

“Мустақиллик билан боғлиқ барча ижтимоий – иқтисодий масалалар қаторида инсон, аynиқса ёш авлод маънавияти, эркин, озод шахс маърифатига, маданият ва санъатнинг ривожига алоҳида эътибор берди. Зотан, такомил маънавий маданият ва санъатсиз, миллий қадриятларни янада юқори босқичга кўтармасдан туриб, янги жамиятни, янги ижтимоий – тарихий муносабатларни ва янги дунёқарашни барпо этиши мумкин эмаслиги аён бўлди”, - деб ёзади Президент И. А. Каримов.

Мустақиллик даврида Ўзбекистонда янги маънавий – ғоявий йўналишларнинг шаклланиши замонавий санъатнинг барча соҳаларига самарали таъсир этди, ижодий изланишлар доирасини кенгайтирган ҳолда, бадий тафаккур ривожини янада жадаллаштирди. 1991–2012 йиллар давомида маҳобатли ва ландшафтли ҳайкалтарошлик, интерьер ва жиҳозлаш, деворий рангтасвир турлари; витраж, мозаика ва меъморлик билан узвий боғлиқ маҳобатли - безак санъати жамоа ва уй - жой муҳити эстетикаси шаклланишига салмоқли ҳиссасини кўша олишга эришди. Шу даврда барпо

этилган йирик иншоотлар маҳобатли рангтасвирчи, хайкалтарош, бадий кулолсоз, шишасоз, ганч ва ёғоч ўймакорлиги ҳамда бошқа ижодкорларнинг фаол иштирокида бунёд этилди.

Рангтасвирда бадий жараён бир мунча шиддатли ва серҳаракат кечди. 1991-2012 йилларда бўлиб ўтган кўп сонли кўрғазмалар шуни тасдиқлайдики, мазкур давр рангтасвири услуб ва композицион ечимнинг турли - туманлиги билан алоҳида ажралиб туради. Бу эса рангтасвирчиларга ижодий эркинлик, шунингдек бадий тасвирни акс эттиришда шакл ва воситаларни мустақил танлаш имконини яратди.


Сўнгги йиллар давомида узоқ ва яқин хориж, шунингдек, республикада ўтказилаётган халқаро миқёсдаги бадий кўрғазмалар асосини анъанавий ҳамда ноанъанавий тарздаги дастгоҳли рангтасвир асарлари ташкил этади.¹Мамлакатимиз Мустақиллик кунига бағишланган, доимий ўтказилиб келинаётган бадий кўрғазмалар бу борада энг етакчи бўлиб келди. Бу кўрғазмада республика миқёсида тасвирий ва амалий санъатнинг барча турларида юзага келган етук ва намунали асарлар намойиши этилди.



Дастгоҳли рангтасвир услубий йўналишлари ва оқимлари ҳақида сўз юритиладиган бўлса, улар орасидаги чегаралар шартли хусусиятларга эга бўлишига қарамай, анъанавий ва ноанъанавий, яъни тарихий-маданий меросга миллийликни сақлаган ҳолдаги мурожаати, шунингдек, биргина

рассомнинг бир неча йўналишларда ижод қилишини ҳам таъкидлаш лозим. Реалистик, академик йўналишни ўз ижоди ва педагогик фаолиятида кенг қўллаган равишда сермахсул ижод қилаётган кекса ва ўрта авлод рассомлар ижодига хосдир. Булар Ўзбекистон халқ рассомлари ва фахрий академиклар (марҳумлардан: Р.Аҳмедов, Н.Қўзибоев, Б.Бобоев, Д.Имомов, О.Муинов) С.Абдуллаев, В.Бурмакин, Б.Жалолов, А.Мирзаев, Ж.Умарбеков, А.Икромжонов, С.Рахметов, Й.Турсунназаров, шулар қаторида ўз маҳоратларини ёшларга ўргатаётган таниқли рангтасвирчилар Р.Худойберганов, М.Нуриддинов, Э.Машарипов, А.Маматова, Р.Ризамуҳаммедов, М.Тошмуродов, А.Аликулов, М.Эргашев, И.Мансуров, Н.Шоабдурахимов ва бошқалардир. Уларнинг асарларида бу йўналиш учун анъанавий бўлган - тарихий ва жанрли картиналар, портрет, манзара

¹Paintings: that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York.- 2003. -p.46.



натюрморт - жанри ва мавзулар ўз ифодасини топмоқда. Мустақилликнинг кўлга киритилиши ва янги мафқуранинг ўз мавқеига эришуви натижасида миллий тарихимиз саҳифаларининг янгитдан яратилиши бадиий жараёнда алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Давлатимиз равнақи ва мустақиллигига улкан ҳисса кўшган Ўзбекистоннинг кўзга кўринган маданият ва тарих намоёндалари сиёсий унутишдан ва йўқликдан қайта туғилиши билан санъатда уларнинг портретлари галереяси вужудга келишига туртки бўлди. Замонавий ҳаётда


асосий мавзу бўлиб келаётган Амир Темир образи, мазкур давр фаолиятлари бу галереяларда асосий ўрин эгаллайди. Буюк Соҳибқирон образига республиканинг йирик рангтасвирчилари академиклар М.Набиев ва Н.Қўзибоевлар мурожаат қилдилар. Мусаввирлар ўзига ишонган, жаҳонгир ҳукмдор образини яратдилар. М.Набиев томонидан яратилган Амир Темур (1999) образи ўзининг сеҳрли жозибаси ва кучли таъсири билан замонавий тарихий рангтасвирнинг ўзига хос мумтоз асарига айланиб, эталон сифатида қабул қилинди. Темурийлар сулоласининг бошқа вакиллари ҳам рангтасвирчилар томонидан катта қизиқиш билан тасвирланади. М.Набиев мўйқаламига мансуб Заҳириддин Бобур портрети романтик тарзда ечилган. Бобур ижод жараёнида, кўлида қалам, кўзлари эса олисларга қадалган. Таниқли портретчи рассом С.Рахметов Темурийлар даври тарихий шахслар образларини маҳорат билан яратади. Ўзбекистон Миллий Банки ва Темурийлар тарихи Давлат музейи 1999 йилда Ўзбекистоннинг етакчи портретчилари иштирокида Темурий шахзодалар портретлари танловини эълон қилди ва Темурийлар авлодининг кўзга кўринган давлат арбоблари портрети яратилди.

1.2. Ўзбекистон рангтасвир ва монументал безак санъатига оид асарлар.

Рассом ижодида замонаси руҳини тимсоллаштирувчи, умумлашма тарздаги рамзий-портретлар вужудга келмоқда. Т.Курязовнинг "Жалолиддин Мангуберди"га (1997) бағишланган портрети (эталон сифатида қабул қилинди), М.Йўлдошевнинг "Алпомиш" (1998 — 2000)

достони қаҳрамониға бағишланган туркум асарлари, Э.Машариповнинг "Алпомиш" (1998), Р.А.Худайбергандовнинг "Спитамен" полотнолари шулар жумласидандир. Тарихий меросимизни бадиий ёритишда 2000 йилда бўлиб ўтган "Шахидлар хотираси" кўрғазмасида жадиждлар портретлари туркумлари билан иштирок этган А.Икромжонов, Т.Кўзиев, М.Нуриддинов, С.Рахметовлар ҳам катта ҳисса қўшдилар.

Э.Машарипов ва А.Алиқуловларнинг "Амир Темурнинг Тўхтамишхон устидан ғалабаси" (1996), З.Фахриддиновнинг "Зафар" (1997), М.Нуриддиновнинг "Саид Барака Амир Темурни ҳокимият рамзи - ноғора ва ғалаба байроғи билан такдирламоқда" сингари сюжетли асарларда Амир Темур энгилмас саркарда, ўз халқининг шавкатли ўғлони сифатида



гавдалантирилган. Бу кўпфигуралли композициялар ўзида очик ҳаракат майдонини намоён этадики, Амир Темур доимий тарзда марказий, бош кийфа тарзида талқин этилган. Буюк саркарданинг яратувчанлик фаолияти С.Абдуллаев полотноларида акс этган бўлиб, мазкур асарларда у буюк меъморий обидалар фониди тасвирланади ("Амир Темур Бибиҳоним масжиди қурилишида", "Осмонинг беғубор бўлсин, буюк Туркистон").

Рангтасвирнинг реалистик жанрида ижод этган ўтмиш

ижодкорларимизнинг бой меросини тан олинганлиги, шунингдек, жаҳон санъати илғор тажрибасини чуқур ўрганишдан далолат бериб, бутун дунёда авангард йўналиш билан бир қаторда, айнан, реалистик йўналиш ривожига эътибор билан қаралганлигини кўп жиҳатдан намоён этади. Жумладан, академик Р. Аҳмедов ўз портретларида эпик кенглик ва теранликка эришса-да, унинг қаҳрамонлари оддий инсонлар бўлиб, айнан, уларда мусаввир донишмандликни, маънавий покликни, юксак ахлоқий қоидаларни гавдалантирса ("Жиззахлик аёл", 1992; "Нигина" 1993), рангтасвирчи А.Икромжоновнинг портретлари юксак маҳорат ва диққат билан ишланганлиги, колоритга бойлиги, шунингдек, образнинг рухий тўлақонлилиги ("Малика портрети" (1993), "Мадина" (1993) билан ажралиб туради. 1990 йилларда **портрет жанрида** Б.Жалолов фаол ижод қилди. Шунинг таъкидлаш жоизки, реалистик чизмалар яратишда у мислсиз даражага

эришадикки, бу борада унга ҳеч ким тенглашолмайди. Охирги ўн йилликда яратилган "Саудия Арабистони қироли Аравий Фахд ибн Абдул Азиз" (1992), "Академик С.Азимов портрети" (1998) ва бошқа полотноларни мусаввирнинг ўзбек рангтасвирчилар орасида дунё талаблари даражасида яратган асарлари қаторига киритиш мумкин. С.Рахметов ижодида портрет асосий ўрин эгаллайди. Охирги ўн йилликларда яратган энг яхши портретлари қаторида "Юнус Ражабий портрети" (1993), "ГФРнинг Ўзбекистондаги элчиси Г.Кун портрети" (1999) алоҳида аҳамият касб этади. 1990 йилларда ўзбек рангтасвирининг ўзига хос бўлган рамзий - романтик услубда миллий ўзига хосликни талқин этиш авж олди. А. Мирзаев, О. Қозоқов, Н. Шин, И. Валихўжаев, И. Мансуров, С. Раҳметов ва бошқалар ёрқин безакдор ва чизикли-шаклий асарлар яратдилар. Бу даврда бўлиб ўтган турли кўرғазмаларда - миллий романтиклик бироз ёрқинроқ ранглар ва мураккаблаштирилган композицион ечимда шакллантирилган асарлари билан — О.Қозоқов фаол иштирок этади. Мусаввирнинг аксарият асарлари халқ фольклори ва дostonлари асосида вужудга келгандир ("Канизаклар" триптихи 1996 й). Шунингдек, академиклар: Б. Жалолов, Ж. Умарбеков, Л. Ибрагимов, рассомлар Н. Шоабдурахимов, Ж.Рахмонов ижодида фалсафий - таҳлилий ва ассоциатив - мажозий йўналишлар ўзининг тўла аксини топди. 90-йилларда рангтасвир санъатига кўпгина графикачи рассомлар ҳам мурожаат қиладилар.

Н. Шоабдурахимов рангтасвир муҳитини, унда жойлаштирилган фигураларни рангли мозаикага ўхшатади, бунда ранглар ўзаро зид ҳолда ёхуд ягона тусга бўйсундирилади ("Одам Ато олган олма", 1992; "Икар", 1997; "Ёлғиз", 1997; "Рақс", "Минотавр туши", 1998). Ўзбекистон **дастгоҳли графика санъати** ривожини умуммаънавий восита сифатида кўп йиллар хизмат кўрсатган рассомлар сингари ёш рассомлар ижодида томошабинлар эстетик қарашларини ифодалашга интилиш ҳамда жамиятдаги маънавий саволларга жавоб беришда намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг юртимизнинг қадимий тарихини ёритувчи китоб ва рисоалар кўплаб нашр этила бошланди. Уларда Ўрта Осиёнинг буюк шахслари Амир Темур, Аҳмад Яссавий, Хожа Аҳрор, Ал - Бухорий, Ал - Фарғоний, А. Чўлпон, А. Фитрат кабилар ҳақида маълумот берилди. Бугунги кунда Ўзбекистонда ўндан ортиқ нашриётлар фаолият кўрсатмоқда. Бадиий адабиётларнинг асосий қисми Ғ. Ғулом нашриёти, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, «Чўлпон», «А.Қодирий» номидаги нашриётларда чоп этилмоқда. «Медицина» нашриёти ҳам ушбу соҳада фаол хизмат қилмоқда. Ушбу нашриётда,

замонавий ўзбекистонлик муаллифлар билан бир қаторда аждодларимиз каламига мансуб, шунингдек, хорижий муаллифларнинг асарлари ҳам чоп этилмоқда.

Тажрибали устоз графикачи - рассом марҳум А. Маҳкамов томонидан «Шарқ халқлари эртаклари» китобига ишланган иллюстрациялар бадий жиҳатдан юксак бажарилган бўлиб, улардаги реалистик чизма асосида Шарқ миниатюраси таъсири яққол сезилади.

1.3. Меъморчилик ва тасвирий санъатнинг ривожланиши.



Ўзбекистон рангтасвир ва монументал безак санъатига оид ажойиб асарларнинг шон-шуҳрати бутун дунёга ёйилган. Бирок жаҳонга машҳур бу санъат намуналари, асосан Варахша, Тупроққалъа, Болаликтепа, Афросиёб саройларидаги деворий ёзув ва нақшлар, ҳамда Ўзбекистон музейларида намоёиш этилаётган, сўнгги пайтларда топилган XIX — XX асрга оид уй-рўзғор буюмларидаги нақш ва гуллари билан чекланиб қолмоқда. Ҳолбуки, кўпгина тураржой биноларидаги, ўртача маҳаллий мачитларидаги, сўнгги асрларда бунёд топган иншоотлардаги, замонавий меъморчилик услублари узвий равишда уйғунлашиб кетган иморатлардаги ранго-ранг безаклар, асрлар мобайнида юзага келган нафосат дурдоналари, ёрқин ва қувноқ рангларда ўта юксак дид билан адо этилган безаклар деярли панада қолган.

Ҳар бир давр тасвирий санъатга ўзининг муносиб улушини қўшиб келди. *Меъморчилик ва тасвирий санъат* ривожланиши билан узвий боғланган ҳолда ўз услубини такомиллаштирди².

Эрамиздан олдинги давридаёқ ҳозирги Ўзбекистон худудида жойлашган Бактрия, Сўғд, Хоразм, Шош ва Паркана вилоятларида монументал нақшу - безаклар ривожланган эди. Археологлар томонидан Сурхондарё вилоятидаги Фаёзтепа (I—II аср) ва Далварзинтепа (I аср) будда ибодатхоналари, Хоразмдаги Тупроққалъа саройи (III аср) ва бошқалардаги деворий расмларнинг қолдиқлари шундан далолат беради. Шу давр Ўзбекистон безак санъати деворга туширилган воқеабанд расмларнинг нақш ва

² Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. - University of California Press, USA 2004. - P. 82

хайкалтарошлик шакллари билан уйғунлашуви камолот даражасига кўтарилган эди.

Илк ер эгалиги даврида (VI—VII аср) қасрлар, ибодатхоналар ва бойларнинг уйлари панно, хошия сингари безаклар билан обдон безатилган. Усталар маъдан бўёқларни елимли сувда аралаштириб, уни қуруқ мато юзига сурганлар, шу тариқа афсона ва эртак йўлида хаёлдаги нарсаларни ҳақиқат билан йўғириб, турли - туман шакллар чизганлар³.

Шу нарса диққатга сазоворки, бу давр ибодатхоналари ва қасрларидаги деворий расмлар меъморчиликка қаттиқ боғлиқ бўлган. У четидан бу четигача супа бўйлаб турган чорбурчак меҳмонхона деворларига тўлдириб расм ишланган. Рассомлар ҳар ер - ҳар еридан эшиклар билан бўлиниб турувчи яхлит айлана манзара яратган деса бўлади. Тантанали маросимларга мўлжалланган бундай улуғвор хоналар дераза - дарчадан холи бўлиб, ёруғлик фақат юқоридан тушиб турган. Шу кунларгача сақланиб қолган деворий нақшу безаклар бамисоли ўша даврдаги мураккаб, жўшқин ҳаётнинг даракчисидек намоён бўлади. Бу нақшу тасвирларни икки йўналишга бўлиш мумкин: бири ҳаётининг асосий мазмуни илоҳий Будда эътиқодидан иборат қадимги будда санъати оқими бўлса, иккинчиси дунёвий оқим бўлиб, бунда рассомлар уруш, базм, ов сингари манзараларни тасвирлаганлар. Илк ўрта аср давридаги бутун Ўрта Осиё тасвирий санъатининг умумий хусусияти — бу безакчиликни ташкил этган расмларда одатдаги «кенглик», «бўшлик» деган гапларни учратмаймиз, соя йўқ, бироқ улардаги ҳажм моҳирона ишланган расмда мана мен деб туради. У айниқса, расмнинг умумий тузилишида ва деталларда яққол кўзга ташланади. Одатда кўп миқдордаги жонли махлуқларнинг тасвири биргина ранг билан ифода этилган, таги ё кўк, ё қизил рангда бўлган чизматасвирнинг тархлари эса гоҳ қора, гоҳ тўқ қизил тусда берилган.

Афросиёб ва Варахшадаги қасрларнинг зеб-зийнатлари, Қувадаги будда ибодатхонасининг ва Болаликтепадаги қишлоқ кўрғонининг безаклари ҳам нақшу безаклар, ҳам ҳайкалтарошлик, ҳам ганчга ўйиб ишлаш санъатининг чинакам намуналари бўлиб, ўша давр маданий ҳаётининг энг ажойиб ютуқларидан шоҳидлик бериб турибди. Бу санъат асарларининг сеҳр кучи ҳақида бир неча аср кейинроқ Шарқнинг энг машхур шоирларидан Фирдавсий ҳам илҳом билан байтлар битгани маълум.

Ўша йилларда бунёд этилган бино деворларидаги нақшлар, умуман олганда, Ўрта Осиё *тасвирий санъат*ининг хусусиятини ўзида намоён этар

³ Paintings: that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York.- 2003. – P.52

эдилар. Элчиларнинг тантанали суратда шоҳ қабулида бўлишлари, шоҳ саройи, қаҳрамонона жанглар мардона тасвирланган бири-биридан мароқли манзаралар мусаввирлар ёқтирган асосий мавзулар бўлиб, Ўзбекистон худудида истиқомат қилувчи илк ўрта аср аҳолиларининг ижтимоий, маданий ва ахлоқий идеалларини ўзларида тўла акс эттирар эдилар.

IX—X асрларда Ўзбекистон худудида безакли нақшлар, айниқса, кенг тус олди. Аста-секин нақшли шакл ва композицияларнинг маълум конунлари ишлаб чиқила бошланди. Мусаввирлар кашф этган санъатнинг янги бир оламида биз рамз ва тасаввурлар, тимсол ва дуо-афсунлар, ташбих ва таносибларнинг нақадар мўллигини кўрамиз.

Ўрта аср Ўзбекистонининг рангтаъсвир, безак санъатида ранг ва нақш рамзийлиги биринчи ўринга қўйилади. Қайси бир тасвирни олмайлик, унинг замирида, албатта, қандайдир рамзий маъно яширинган бўлади. Ғоят мураккаб нақш композициясини бунёд этар эканлар, мусаввирлар, маълумотли киши бир қарашдаёқ илғаб олиши мумкин бўлган яхши тилакларни акс эттирганлар. Хусусан, нақшдаги рангларнинг ўзларига хос маънолари бўлган. Масалан, гулсафсар осойишталик ва умр узоқлик тимсоли, тўлқинсимон гул пояси — бойлик ва фаровонлик тимсоли, новда ва япроқлар эса тўқинчилик ҳамда табиатнинг баҳор чоғида уйғонишини англатган. Безакли нақшу нигорлар мусаввирларнинг она табиатга чуқур муҳаббатларини ифода этиб, уларнинг жўшқин ҳаёт билан доим ҳамнафас эканликларини билдирган.

Гуллар ва нақшлар борасидаги халқ тасавури доим сеҳр - жоду, ақидалар, урф - одатлар ва панд - насиҳатлар билан қоришиб кетган. Масалан, оқ ранг бахт ва омадни билдирган, зангори ранг — олий эътиқодни, қизил ранг — хушчақчақлик ва шодликни ва ҳоказо. Ранглар бир - бирига чаплаштирилмай, ҳар бири ўз ҳолича ғоят тиниқ берилсада, ҳатто бир - бирига энг зид ранглар ҳам қандайдир яхлитликка эга бўлган.

Ранглардаги бу рамзийлик Ўзбекистон халқларининг либосларига, заргарлик буюмларига, уй - рўзғор ашёларига ва уй - жой безакларига ҳам узвий равишда кўчиб ўтган.

Безакли санъатнинг энг кенг тарқалган шакли бўлмиш орнамент (нақш, гул, расм) башарият маданиятининг ҳамма босқичларида унга ҳамроҳ бўлиб келган. Унинг энг оддий принциплари — булар уйғунлик, бир - бирига мутаносиблик, йўсин ва усулларнинг қайта - қайта такрорлашуви. Нақш (расм) даги йўсин(мотив)лар аксарият барқарор бўлиб, ўзининг орнаменталлик шаклини йўқотмагани ҳолда бир буюмдан бошқа буюмга кўчиб юради. Бу хилдаги безакларга кўпроқ хос бўлган мотивлар мебелларда,

уй - жой, рўзгор ашёларида, девор ва шифтга ишланган кенг ҳажмдаги безакларда яққол кўринади⁴.

Темур ва темурийлар даврида санъатнинг барча тури, жумладан, безакли нақш юксак даражада камол топди. Воқеабанд (сюжет) нақшлар қайтадан жонланди. Ҳатто эндиликда у биргина миниатюра соҳасида эмас, балки монументал санъатда ҳам ривож топди. Темур буйруғи билан тикланган саройларнинг деворларида тўйлар, машшоқлар, амирнинг ўз расми, малика ва уларнинг қариндош - уруғлари, уруш ва шаҳар муҳофабаси, ҳукмдорлар, аъёнлар ва олимларни қабул қилиш маросимлари тасвирланди. Ўрта аср муаллифларининг шоҳидлик беришларича, Улуғбек расадхонасида ҳам тасвирий манзаралар бўлиб, уларда тўққиз қават осмону етти қават ер, собиту сайёралар, тоғлар, денгизлар, саҳролар ва ҳоказолар акс эттирилган.


Бу давр тасвирий санъатининг асосий вазифаси ҳукмдорнинг куч-қудратини, ҳарбий шавкатини улуғлашдан иборат бўлган.

Афсуски, вайронагарчилик келтирувчи урушлар ва вақт тақозоси билан қасрлар ҳамда бошқа жамоат биноларидаги расмлар йўқ бўлиб кетган. Бу даврга оид бўлган табиат манзараси акс эттирилган расмларнинг айрим қисмлари Самарқанддаги (Ширинбека оқа, Туман оқа, Бибихоним) ва Шаҳрисабздаги (Гумбази Саййидон) ёдгорлик биноларининг ички қисмида сақланиб қолган. Кўк бўёқ билан оппоқ ганч устига дарахтлар, бутоқлар, қушларнинг шакллари ҳал бериб ниҳоятда нафис ифода этилган. Шу даврда ишланган миниатюраларни кўздан кечиран эканмиз, тураржой биноларининг ички қисмларига ишланган расмлар ҳам сюжет ва орнаментал нақшлардан мустасно эмаслигининг шоҳиди бўламиз. Деворий нақшлар композицияси билан миниатюралар сюжети бир - биридан деярли фарқ қилмайди. Мусаввирлар нақшлар билан чатиштириб юборилган табиат манзараларини яратар эканлар, уларга табиатнинг илк бунёдга келган чоғидаги осойишталик ғояси сингдирилган, жаннатдаги боғ-ризвон акс эттирилган, бу эса, ўз ўрнида, тасвирий санъатнинг ислом ақидалари билан чамбарчас бўлишини яна бир қарра таъминлаган.

XVI—XVII асрга келиб сюжетли деворий расмлар деярли чизилмай кўйилди, улар ўрнига орнаментал композиция билан кундал усулида ишлов бериш ривожланди (Бухородаги Баланд мачит, Хожа Зайниддин хонақоси (XVI) ва Абдулазизхон мадрасаси (XVII), Самарқанддаги Тиллақори мадрасаси (XVII) ва бошқалар). Ўлкадаги энг яхши ўрта аср бинолари наққошлик ва безак санъати уйғунлигининг, нақшлар биноларнинг меъморий кўринишига ҳамоҳанглигининг чинакам намунаси бўлиб хизмат қилади.

⁴ Paintings: that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York.- 2003. – P.63

Оддийгина оро берилган пештоқнинг юқорисида гир атрофи чиройли гул шакли билан ўралган турли - туман паннолар савлат тўкиб туради, куббаларда эса девор гумбазига мос равишда юқорига чиққан сари торайиб борувчи орнаментлар ақлни лол қилади. Ҳар бир композиция ҳажм ва шакл эътибори билан ўзи мустақил бир тугал асар.



Монуменгал-декоратив тасвирининг машхур усталари сирасида Чингиз Аҳмаровни айтмай ўтиб бўлмайди. У Шарқ миниатюрасининг энг яхши намуналаридан ҳамда Ўрта Осиё халқларининг бадий меросидан илҳомланиб, қатор ажойиб асарлар яратди (Самарқанддаги Улуғбек музейида, Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида, Шарқшунослик институтида, Тошкентдаги Навоий номидаги метро станциясида, Бухородаги

маданият саройида ва ҳоказо). Унинг суратлари психологик маънодорликка, ички жўшқинликка, жозиба ва руҳий нафосатга бой. Одам қиёфаларининг ҳавода муаллақ акс этиши, чизиқларнинг дутор торидек муסיқийлиги, бўёқларнинг шаффоф тиниқлиги бу рассом мўйқаламига хос хусусиятлардир. Чингиз Аҳмаров ўз асарларида ўзбекхалқининг асрий эстетик орзу - умидларини бадий ифодалайди ва қадимги замон санъати анъаналарига ҳозирги замон учун хос бўлган шиддаткорлик ва қатъият ғояларини сингдириб юборади.

60—70 йилларда Ўзбекистонда бир гуруҳ ёш монументалчи рассомлар кекса наққошлар билан ҳамкорлик қилдилар. Булар ичида Б. Жалолов, А. ва В.Ган, Ю.Чернишев, С.Роҳмонов, Э.Назаров, Ф.Сулаймонов, Р.Худайбергандов, А.Алиқуловлар бор. Улар ўз ижодларида табиат гўзалликларини, долзарб меҳнатни тараннум этадилар, ўзларининг она-Ватанга муҳаббатларини намоён қилиб, инсон туйғусини камол топтиришга самарали таъсир кўрсатадилар. Ёш ижодкорлар бунёд этган асарлардан Тошкентдаги тингловчилар Саройи, Урганчдаги театр, Чимёндаги дам олиш уйи, Ўзбекистон Давлат тирих музейи, Консерватория, Сенат саройи, “Туркистон” саройи ва бошқалардаги маҳобатли рангасвир безаклар ўзларининг оригиналлиги билан диққатни жалб этади.

Беҳисоб ва ранг - баранг деворий асарларни кўздан кечиран экансан, рассомлар хаёл дунёсининг нақадар кенглигига тасанно айтмай туролмайсан, киши. Чинакам санъат устаси бўлган одамгина мана шундай асарлар яратиши

ва шундай асарларгина янги - янги санъат усталарини тарбиялаши мумкин. Ўзбек халқи икки минг йил давомида монументал - декоратив ва амалий санъатнинг шундай ажойиб намуналарини яратди ва яратмоқдаки, улар ўзларининг юксак бадиий маҳорат ва назокат ила ижро этилишлари билан бугунги кунда ҳам кишиларни ҳайратга солмоқда. Кўп йиллик тажрибалар, олмос истеъдод ва халқ тафаккури билан йўғрилган ҳар бир чинакам санъат асари ранглар сеҳр - жодуси билан қалбимизга илҳом бағишлаб, маънавий дунёмизни янада бойитади.

Маҳобатли рангасвир турларидан икки *рангли мозаика* ва ўймакорликнинг бошқа намуналари ҳам қўлланилган бўлиб, *сграффито* усулидаги икки қатламли нафис ўймакорлик шулар жумласидандир. Кейинчалик *қўйма ганч* ҳам таомилга кириб келган.

Қурулиш индустрияси усули ва замонавий архитектура талаблари рассомлар олдида бир қатор муаммолар қўйди. Қурулиш амалиётига янги ашёлар кириб келди. Поллар, шиплар, хона деворлари, томлар булар ҳаммаси иқтисод, қурулиш усуллари замон талабига жавоб берадиган бўла бошлади.

Бинолар барпо қилиш жараёнида монументалист рассомлар рангасвирга асос бўладиган ашёларни билиши мажбурдир. Ашёнинг физик, химик таркиби рангасвир сифат даражасини белгилайди. Фактура, девор ранги, ҳар хил пардоз ашёлари маҳобатли рангасвир билан ўзаро боғлиқдир.

Бадиий аҳамиятли вазифалар ечимини ҳал қилишда монументалист рассом олдида бир қатор: 1). Ашёнинг пластик хусусияти ва 2) унинг технологиясини билиши лозим бўлади. Баъзи рассомлар технологияга берилиб қолинса асарнинг бадиийлигига путур етказиши мумкин деб қарайдилар. Фақат технологияга катта эътибор берилса хунармандга айланиб қолиши мумкин. Аммо технологияни етарли билмаслик ҳам асарга муддатидан олдин нобуд бўлишига олиб келади. Ашёларни ва технологияни тўғри ишлата билиш асар яратишда ўзига бўлган ишончни, ўз ғоясини тўғри амалга оширишни таъминлайди. Рассом олдида бадиий безакни ишлаш ҳар хил бўлиб, у етарли даражада техника ва технологияни қўллаш усулларини билишни тақозо қилади. Аммо у усул ҳам бир неча хил имкониятларга ва турларга эга бўлиб, турли усулларда амалга оширилиши мумкин. Рассом ўз олдида қўйган баъдий вазифа ва унинг тасвирланишига боғлиқ. Архитектурада маҳобатли рангасвир асари узоқ муддатга мўлжалланган бўлиб, унинг иқлими, технологиясини рассом пухта ўйлаб бажариши лозим бўлади. Бу жараёнга жиддий эътибор бериш зарур. Акс ҳолда асар тез нобуд бўлиши мумкин. Маҳобатли рангасвир асарини узоқ сақланишига рассом ҳам, архитектор ҳам, қурувчи ҳам бирдай жавобгардир. Шунинг учун ашёда

хар доим синовлар ўтказишда илмий текшириш институтларини жалб қилиниши мумкин. Ҳар доим янги - янги ашёлар дунёга келмоқда. Ашёнинг физик, химик хоссаларини олимлар етарли даражада аниқлаган бўлсалар, рассомлар эса унинг эстетик томонини бадиий асар яратишда синаб кўради ва аниқлайди. Ҳар бир ашё ишлов берилишига қараб унинг юзасининг текислиги, ранги, оғирлиги, қаттиқлиги, ёпишқоқлиги, эгилувчанлиги ва бошқа хусусиятларига эга. Маҳобатли рангасвир асар яратишда рассом учун ашёнинг таркиби, ранги, юзасининг фактураси муҳим ҳисобланади⁵. Ашёлар ўз табиий хусусиятига эга бўлиб, унинг имкониятини тўғри ишлатабилиш лозим. Аммо имитация қилиб бачканаликка олиб келадиган даражада фойдаланмаслик керак. Табиийлик даражаси ҳам бадиий имконият яратиши мумкин. Янги ашё - инсон меҳнатининг ҳосили бўлиб, табиий ашёдан фарқ қилиши мумкин. Аммо бадиий имкониятини тўғри англаб олинса яхши эстетик муносабат ҳосил қилади. Бу ҳолатда ашёнинг шаклга муносабати катта рол ўйнайди.

Рангасвирда яхши ёки ёмон ранг йўқ бўлгандай, ашёда ҳам бадиий жиҳатдан ёмони бўлмайди. Фақат ашёнинг нотўғри муносабати, тушунмаслик, имконияти очилмаслиги мумкин. ***Ашёни бадиий асарда ишлатишда*** у ўз ўрнини топган бўлса, асар ечими ва ғояни амалга оширишда ҳамроҳанг бўлган бўлса, у тўғри жойлашган ҳисобланади. Архитектурада маҳобатли рангасвир асар яратишда ашёнинг имкониятига қараб, роспись, сграфитто, мозайка ёки витраж каби турларда бажарилиши мумкин. Масалан, рангли ойна шишанинг ёруғлик ўтказиши ва унинг ёруғлик таъсирида кун давомида турланиши кабиларни инobatга олиш зарур. Смальта тошларини эса ранг ва фактурасидан фойдаланиб бино деворини аниқлаш лозим. Шунингдек, бошқа ашёлар хусусиятига қараб танланса бадиий асар мукамаллигини таъминлаши мумкин. Рассомнинг хаёлидаги ғоясини эскизда бажарилиши ва ***композиция*** фрагментини ашёда бажарилгани билан ижодий изланиш жараёни тугади дегани эмас. Якуний босқич яъни деворда тўла амалга оширилиш даврида ҳам давом этади ва яқунланади. Рассом янги бадиий ғояни амалга оширишида кўп турли хил ашёлардан фойдаланиши мумкин. Аммо ғояга мос ашёни топганидан кейин ғоя ва ашё уйғунлиги амалга оширилади. Буни биз ижодий синов жараёни деймиз.

Маҳобатли рангасвир технологиясини ўрганишда босқичма - босқич мақсадли методологик асосда бажарилади.

⁵ Paintings: that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York.- 2003. – P.81

Назорат саволлари:

1. Рангтасвир нима?
2. Рангтасвир турлари қандай?
3. Рангтасвир жанрлари қандай?
4. Рангтасвирнинг қандай босқичлари мавжуд?
5. Рангтасвир қандай ашёларда бажарилади?
6. Чизматасвир нима?
7. Чизматасвир турлари қандай?
8. Чизматасвир қандайнинг қандай босқичлари мавжуд?
9. Чизматасвир қандай ашёларда бажарилади?
10. Чизматасвирда чизик турлари ва тусларнинг роли қандай?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Худайбергенов Р.А. “Рангшунослик асослари”. - Т.: Ғ.Ғулом, 2006 й.
2. Худайбергенов Р.А. “Композиция”.-Т.: Шарқ, 2007 й.
3. Paintings: that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York.- 2003.
4. Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception:A Psychology of the Creative Eye.- University of California Press, USA 2004

2-мавзу: Рангтасвир фанини ўқитиш жараёнининг мазмуни, шакли, восита ва методлари.

Режа

- 2.1. Рангтасвирда чизматасвирнинг роли.
- 2.2. Композиция асосий қонунлари ва воситалари.
- 2.3. Натюрморт ва ашёда ишлаш услуби.

Таянч иборалар: қўйилма (пастановка), қоралама, эскиз, картон, динамика, статика, симметрия, ассиметрия, ритм, шакл, ўлчам, композицион

жойлашув, фазовий тасаввур, фазовий чуқурлик, фазовий планлар, силуэт, рефлекс, блик, соя, яримсоя, этюд, фактура, колорит

2.1. Рангтасвирда чизматасвирнинг роли.

Тасвирий санъат бўйича ўқитиладиган мутахасислик фанлари: рангтасвир, чизматасвир, композиция ва рангтасвир ашёда ишлаш муҳим фанлардан ҳисобланади. Бу фанлар асосан амалий ҳисобланиб ҳар бир талабага якка тартибда тушунтириш олиб борилади. Шунинг учун фанларни ўқитишда назарий олиб боришга кам вақт ажратилади. Шунга қарамадан фаннинг умумий асосларини тушунтириш илмий асослаб ўқитилса яхши натижа беради. Ҳар бир амалий фанни ўқитишда назарий қисмини қизиқарли намуналарни слайдлар ёки монография иллюстрациялар ёрдамида кўргазма куроллар каби тушунтирилади.

Бунда: а) *рангтасвирнинг* аҳамияти, рангтасвирнинг тарбиявий роли, рангтасвирнинг турлари ва хусуиятлари, рангтасвир ишлаш боқичлари ҳақида тўла очиб берилади.

б) *чизматасвирнинг* тасвирий санъатдаги роли, чизматасвир турлари ва бажариш боқичлари, чизматасвирда ишлатиладиган ашёлар, чизматасвир мустақил санъат асари сифатида, чизматасвирда чизиқлардан фойдаланиш, чизматасвир пастоновкаларининг аҳамияти ҳақида маълумотлар берилади.

в) *Композиция*нинг тасвирий санъатдаги роли, композиция турлари ва бажариш боқичлари, композиция бажаришда ишлатиладиган ашёлар ва усуллар, композиция тасвирий санъатда мавзуни бадиий очиб беришда муҳим рол ўйнайди ва унинг ечими рассомнинг ижодий ёндошуви билан чамбарчас боғлиқдир, композицияда ранг ва шакллардан фойдаланиш усулари, композицияда ритм, пластика, тенглик, марказ, асосий қиёфа, планлар, композиция ечимини ҳал қилиш ва тугатиш, композициянинг аҳамияти ҳақида назарий маълумотлар ва намуналар ҳақида таҳлил этиш.

г) *рангтасвир ашёда ишлаш* турлари: мойбўёқда, акварельда, темперпада, гуашда бажариш техника ва технологияси билан танишиш. Бадиий асар яратишда ашё турларидан фойдаланиш боқичларига амал қилишнинг аҳамияти. Асарни узоқ муддатга сақлаш техникаси билан танишиш. Асарни безаш турлари. Ашёларнинг физик ва химиявий хоссалари ҳақида тушунча ҳосил қилиш⁶.

Рангтасвир(живопис) рангшунослик қонунларига асосланиб борлиқни реалистик ифодалайди, акс эттиради. Рангтасвир маҳорати-бу текисликда борлиқни тўлақонлик табиий, чиройли рангларда акс эттиришдир. Бунинг учун рассом ҳавоий преспектива, масштабни, ҳажмни чизматасвир орқали

⁶ Paintings: that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York.- 2003. – P.12

акс эттиришни пухта эгаллаши керак. Тус, ранг ва чизматасвирни бир-бирига боғлаб, рангтасвир асарида мохирона фойдаланиши зарур. Чизматасвирсиз фақат бўёқлар орқали буюмнинг шаклини, ҳажмини, борлиқдаги ўрнини акс эттириш мумкиндир. Агар манзара ишларда перспектива қонунларига амал қилиб чизматасвири кўрсатиб берилмаса, рангни аҳамияти ўринсиздир. Баъзан рассомлар «Рангтасвир нима?» деган саволга: «Бу 100% чизматасвир ва 100% рангтасвирнинг ўзаро мужассам боғлиқлигидадир» дейишади.

Реалистик тасвирий санъатда чизматасвирга муҳим роль берилади ва чизматасвирни эгаллаш реалистик тасвир жараёнида асосий шартдир. Олдин чизматасвир ишланиб, кейин ранг берилади. Сўз чизиқли рангтасвирда эмас. Рангтасвирчи олдиндан чизматасвир тайёрламаслиги мумкин. Аммо буюк рассомнинг асарида аниқ чиройли чизматасвири рангтасвир билан чамбарчас боғланиб, яққол тасвир ҳосил қилганини кўрамиз.

Рассомликка ўқитишда талаба олдиндан чизматасвир орқали перспектива, буюмларни конструктив шаклини тусли чизматасвир ва нисбатлар тушунчасига эга бўлиши мақсадга мувофиқдир. Баъзи талабалар ишларини таҳлил қилганимизда чизматасвирни тўла эгалламасдан ранг(бўёқ)да тасвирлашга киришилган портретда тасвирланувчи ўхшамаганлигини, тус(тон), колорит, ҳавоий преспектива каби тушунчалар амалга ошмаганлигини кўрамиз. Ёруғлик ва соя қонунларини, тусли чизматасвирнинг вазифасини билмаган ёш рассом – портретда шакл тасвирини рангда кўрсата билишни, фазода жойланишини тасвирлашда катта қийинчиликка дучор бўлиши мумкин. Рассомчилик мактаблари тажрибаси тарихидан маълумки, ўқитиш-ўрганишнинг биринчи босқичида чизматасвирдан пухта, жиддий тайёрлашга катта эътибор берилади. Шундагина кейинчалик рангтасвир билан шуғулланиш жараёни яхши натижаларга олиб келади. Жаҳоннинг буюк рассомлари: Микеланжело, Джорж Вазари, Леонардо да Винчи, П.П.Чистяков, И.Е.Репин, А.М.Васпеков, К.П.Брюллов, В.А.Серов ва бошқалар чизматасвирга катта аҳамият берганлар. Рангтасвир санъатида рангни чизматасвирдан ажратиб бўлмайди. У ҳар доим чизматасвир билан чамбарчас боғлиқдир. Чизматасвирнинг ихтисослик даражасини эгаллаш график, меъмор, безакчи, маҳобатли ва бошқа барча рассомлар учун зарурий ҳисобланади. Яхши чизматасвирни эгалламаган ҳақиқий кино ёки театр рассомини тасаввур қилиб бўлмайди.

Реалистик чизматасвир асосларини эгалламаган рассомлар картина чизишни бошласа, бу чала санъат асарини вужудга келтиради, ёлғон маҳобатлилик ва безакдорлик хусусиятларини намоён қилади, образлиликка путур еткази.

Рангтасвир учун чизилган буюмнинг чизматасвири шартли контур чизикларига эътибор бермаган ҳолда, уни атроф-муҳит билан боғлаб ҳажмини ранг орқали шакллантирабилиш ва унинг нисбатлари, материаллигини аниқлаш лозим. Ҳомаки чизматасвирдан бошлаб, охириги мўйқалам нуқтасигача рассом ҳар доим чизматасвирни эсдан чиқармасдан шаклни ўрганиб ақс эттирмоғи керак. Рангтасвир-бу чизматасвирнинг давоми ҳисобланиб, бир неча марта шаклнинг чизматасвирига қайта-қайта қайтмоғи ва аниқлик киритмоғи лозим. Чизматасвирдаги маҳорат рангтасвирда асар яратишнинг муваффақиятли чиқишини таъминлайди.

Реалистик санъатида бадиий образ яратишининг энг биринчи асоси чизматасвирдир. У одам образини яратишда ва воқеликни таъсирлашда муҳимдир. Асарнинг муваффақияти ва композиция орқали фикрлаш, тасаввурни ривожлантириш чизматасвирга боғлиқ. Рассомлар композицияда умумий фикрлаши ҳам чизматасвир орқали дунёга келади. Рассом портрет яратар экан, агар реалистик чизматасвирни тўла эгалламаган бўлмаса, ҳеч қачон тўлақонли етук образ ярата олмайди.

2.2. Композиция асосий қонунлари ва воситалари.

«Композиция» сўзи италянча *compositio* бўлиб, қисм (буюм, шакл)ларни маълум бир тартибда жойлаштиришни англатади.

Композицияда шакл ва мазмун бирлиги қонуни, образ яхлитлиги қонуни, ҳаётийликни ақс эттирувчи қонуни, контрастлилик қонуни мазмунга асосан иккинчи даражали қисмларини асосий қисмга ўзаро боғлаш, буларнинг ҳамаси композицияда иштирок этиб бадиий асар мукамаллигини таъминлайди.. Юқоридагиларга эътибор бермаслик асарнинг бадиий кадр қимматини тушиб кетишига олиб келади.

Рангтасвирда композиция - бу картина текислигида тасвир элементларини жойлаштиришда фикр(ғоя)ни равшан, аниқ ва тўлақонли жойлаштириш имконини беришидир. Бирон нарса ҳақида қикоя қилиш учун сўз керак. Аммо қизиқарли ва муқим фикрни айтиш учун маъноли, ифодали сўз керак бўлади. Шунингдек тасвирий санъатда ҳам томошабинни тўлқинлантирадиган ва диққат эътиборини қаратиш учун рассом кучли ва ифодали тасвир воситаларидан фойдаланишга ҳаракат қилади. Рассом ҳар қандай картина композицияси тузулишида тасвирни ва шаклни ифодали кўрсатишга ҳаракат қилади. Кераксиз нарсаларни олиб ташлайди, фақат энг кераклилари қолдирилиб, иккинчи даражалилари биринчи даражали қисмларига бўйсундирилади. Картина образли тузулишида тасвирланаётган нарсанинг ички мазмуни қувонч ва ҳаяжон уйғотиши керак. Шунинг учун композиция ҳамма элементлари, ҳар хил воситалари: холст ҳажми, текислик,

кўриш нуқтаси, горизонт баландлиги, ёритилиш характери, композиция марказининг ўрни ва бошқалардан фойдаланилади. Булар каммаси картинанинг завқли чиқишига таъсир қилади⁷.

Композиция фани атроф борлиқни умумлаштиришга ва маъносини тушунишга ўргатади ва ҳавас уйғотади. Ҳар куни у кузатаётган ва ҳис қилган нарсаларни бадиий образларда акс эттиришга ўргатади.

Композиция тузилиши картина олдида қўйилган ғояга, вазифага боғлиқ бўлиб ўзгариб туради. Картинанинг композиция тузилиши характери мазмун ва ғоядан келиб чиқади.

Рассом атроф-муҳитни кузатар экан нафақат картина учун типаж топади, балки бўлажак картина композициясининг тузилиш асосини аниқлайди.


Ҳаётий ҳақиқат - бу картина композицияси яратилишининг асосидир.

Рассом ўз ижодий композиция тузилишида табиат қонунлари ва томошабиннинг идрок қилиш хусусиятларини ҳисобга олади. Тасвирда симметрия, ассиметрия, тенглик ва ритм, тузилишининг мақсадга мувофиқлиги, шаклнинг хилма-хиллиги, ранглар яхлитлиги, кўриш нуқтаси, ўлчам ва ҳажми каби композиция элементларини рассом ғоя ва фикрга бирлаштиради.

Композиция мавзуси устида ишлаш жараёнида мавзу ғоясини очиб бериш учун чизматасвир, қораламалар, натура этюдлари каби тўпланган ашёлардан фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Композициядан фикрлаш қобилиятини ўстиришда мустақил ишлаш катта роль ўйнайди. У нафақат ўқиш жараёнининг давоми бўлиб қолмай, балки бўлажак рассомнинг шахсий қобилиятини ўстиради, унинг теварак атрофни ва борлиқни кузатишда ижодий қобилиятини оширади.

Композицияни ўрганиш бадиий асар яратиш устида ишлашнинг айрим босқичлари аҳамиятини тушунишни, бирон бир фикр орқали мазмунли бадиий асар яратиш кўникмаси ҳосил қилишнинг муҳим босқичи бўлиб қолиши керак.

Пластик бадиий образ яратишда ғоя ва туйғу бирлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Композицияни ўрганишда дастлабки ўқув машғулотлардан бошлаб композиция қонун-қоидалари, бажарилиши босқичлари, борлиқни шартли образларда ечиш. тасвирлаш усули ва услубларини изчиллик билан ўрганиш муҳим ҳисобланади.



БОРИШ МОРОЗОВА.
Эскиз композиция.

Ўқитувчи бўлғуси рассомдан ҳаётий таъсуротларини ҳар доим қайд

⁷ Paintings: that Changed the World - Munich, Berlin, London, New York.- 2003. – P.15

этиши, альбом чизмадари орқали хотирага жамлашни ўрганиши лозим.

Мустақил ишга доимий иштиёқ уйғотиш ҳамда тез бажариладиган этюдлар бажариши имкониятларини ўстириб, образли тафаккурни гарбиялаши лозим.

Классик меросни ўрганишда санъат асарларининг маҳорат билан ишлаган, намуна бўла оладиган рангтасвир асарларидан нусха кўчириш тавсия



БОРЫНЯ МОРОЗОВА.
Эскиз кистиляма. 1881 г.

этилади. Чунки бундай вазифалар талабаларга асар образлилик на пластиклик тизимида тушинишда ёрдам беради.

Рангтасвир фанини ўқишнинг аввалги курси давомида талаба рангтасвирнинг ҳамма тасвир усуллари

ва йўллари эгаллари лозим.



БОРЫНЯ МОРОЗОВА.
Эскиз кистиляма.



2.3. Натюрморт ва ашёда ишлаш услуби.

Натюрморт француз тилидан олинган бўлиб, “жонсиз натура”ни билдиради. Тасвирий саеъат жанрларидан бирини натюрморт аташабошлаган. Шу жанрдаги тасвижда инсон атрофини қамраб олган нарсалар маиуий буюмлар, гуллар, мевалар ва бошқалар тасвирини кўзда тутадилар.



Рис. 24. Натюрморт с металлическим кувшином и фруктами

Бу жанрда XV11 асарда Голландия ва Испанияда пайдо бўлди. Шу давргача асарларда тасвирнинг бир қисми шакли кўринишида эди. Инсон атрофини ўраб олган нарсалар тасвири орқали рассом буюмнинг эгаси характерини, шу давр ҳаётининг тарихий қирраларини акс эттирши мумкин.аснъат тарихи жараёнида асосий икки тип натюрморт: бириси буюмлар ўз ҳақида эмас, балки эгаси ҳақида тассавур беради.

Иккинчисида эса буюмлар ўзи ҳақида, яъни гўзал шакллари, ранги, фактураси ҳақида томошабинга гапириб бераётгандай тасвирланиши мумкин. Баъзи ҳолларда битта асарда иккаласи ҳам чамбарчас боғланиш ҳолатлари учраб туради. Лекин натюрмортда «жонсиз табиат» тасвирланганига қарамай, матода жонли ҳаёт пафосини сезамиз. Биз юқорида кўриб чиққан нафис тасвирий санъат асарлари рассомнинг улкан ва мураккаб ижодининг самарасидир.




Рис. 19. Рисунок натюрморта

Бу асарларда ҳеч қандай тасодиф йўқ. Бу асарларда ҳамма нарса ҳам муҳим роль ўйнайди: асардаги айрим элементларнинг матода жоилашуви ҳам, кичик расмлар ҳам, ранглар, ритмлар ҳам— нафис тасвирий санъатнинг ҳамма ифода воситалари орқали рассом ўз ўй-фикрларини аниқ ва таъсирли қилиб етказишга ҳарат қилади.




Рис. 18. Эскиз цветового решения

Рассом яратган асарни чинакамига англаб, тушуниб олишни истар

эканмиз, юқорида айтилган барча воситаларни эсдан чиқармаслигимиз, уларни бир-биридан фарқлай билишимиз лозим.

Асарга тикилиб, у ҳақда фикр юритиб, бутун бадиий воситаларни ўқиб олганимиздан кейингина биз сурат маъносини чуқур тушунишимиз ва уни ҳис этишимиз мумкин.



Рис. 21. Законченный этюд натюрморта

Натюрмортда буюм ва шакллар оламида рассомни гўзалликни, такрорланмас қирраларини, табиий хилма-хиллигини очиб беришга чорлайди. Шунга қарамасдан инсон оламини, унинг ғоя ва ҳиссиётини, инсонларнинг жамиятга бўлган муносабатини акс эттиради.

Бу жанрда табиатда етиштирилган мева, полиз, паррандп ва ҳайвонлар гўшти, амалий санъат асарлари, уй анжомлари тасвирланган бўдиши мумкин. Натюрмортда ҳам мавзу бўйича маълум бир мақсад, ғоя, ҳаёт фалсафаси акс эттирилиши характерлидир.

Мустақил даврини тасвирий санъатда бадиий ифодалашда натюрморт жанри ҳам четда қолмайди. Дехқон фермерларимиз етиштираётган ҳалқ истемол

молларини янги композиция ечимида янгича қараў билан ишлашни тақозо қилади. Айниқса “Ташаббус” танлови кўрғазмаларида етиштирилган янги хунармандчилик буюмлари рассомни бефарқ қолдирмайди. Мустақил даврини акс эттирувчи оамзий шакллар ўз ифодасини топиши керак. Халқнинг ютуғи асарларда номоён бўлиши рассомнинг ютуғи ҳисобланиб тасвирий санъатни янги поғонага кўтаради.

Тур						
Рангтасвир		Графика		Ҳайкалтарошлик		
Жанрлар						
Натюрморт	манзара	тарихий	маиший	Портрет	Батал	анимал

Хамма курсларда қисқа муддатли хотирадан ҳамда кўз олдига келтириб бажариладиган рангтасвир машғулотларига соатлар ажратилиши лозим.



Куз неъматлари



Натюрморт



Натюрморт



Натюрморт бажариш босқичлари



Натюрморт бажариш босқичлари



Натюрморт бажариш босқичлари




Натюрморт бажариш босқичлари



Натюрморт бажариш босқичлари



Натюрморт бажариш босқичлари



Натюрморт бажариш босқичлари



Натюрморт бажариш босқичлари (охирги босқич)

Назорат саволлари:

1. Композиция нима?
2. Композиция турлари қандай?
3. Композицияда планлар нима?
4. Композициянинг қандай босқичлари мавжуд?
5. Картинада композициянинг роли қандай?
6. Композицияда марказ қандай амалга оширилади?
7. Композицияда мувозанат, контраст, ритм, симметрия, асимметрия нима?
8. Композициянинг тасвирий санъатдаги роли қандай?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Худайберганов Р.А. “Тасвирий санъат ранг”. Т., 2005 й.
2. Худайберганов Р.А. “Рангшунослик асослари”. - Т.: Ғ.Ғулом, 2006 й.
3. Худайберганов Р.А. “Композиция”.-Т.: Шарқ, 2007 й.
4. Paintings: that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York.- 2003.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

1-амалий машғулот:

Рангтасвир фанини ўқитиш жараёнининг мазмуни, шакли, восита ва методлари.


Ишдан мақсад: Мавзу бўйича постановка турларини шакллантириш. Постановкани композиция қурилишини ҳал қилиш. Постановкани чизматасвирини бажариш. Постановкани рангда ишлаш.

Масаланинг қўйилиши — замонавий тасвирий санъат ўқитувчиси орқали ёшларимиздаги қобилият ҳамда имкониятларни аниқлаб, уларни тўғри шакллантириш ва юзага чиқариш, тасвирий санъат педагогикасининг ўзига хос мураккабликларини тушуниб, унинг нозик қирраларини тингловчиларга улашиш маҳоратига эга бўла оладиган устозларни етиштириб чиқаришдир.

Ишни бажариш учун намуна:

Ишни бажариш учун намуна: Табиат ҳар бир ижодкор учун илҳом манбаи. Рассом бир масканда бир неча бора бўлса-да, унинг учун бу маскан ҳар доим ўзининг турли қирралари билан намоён бўлади. Рассом ўзининг янгидан-янги асарларини назаримизда бир нуқтадан яратаётгандек бўлса-да, уларнинг ҳеч қайсиси бир-бирига ўхшамайди. Балки, бу табиатнинг нақадар ўзгарувчанлигининг исботидир. У доимо сукунатга тўла. Лекин, шунга карамай тоғ ён-бағирлари сувнинг шивирлаши-ю, тоғлардаги акс-садо ўзига хос бир мусиқани яратади. Тоғлар табиати ҳам ўзгарувчан балки, шуниси билан ҳам рассом учун қизиқарлидир. Рангтасвирчи табиат қўйнида бўлганида ҳаёлидан ўтган руҳий ҳолатлар шиддатини ўз манзараларида: тоғлар, дарёлар ва булутлар образлари силсиласида ифодалайди.

1-расм



*Тогда ёз. 80x100 см. Мато, мой буйёс, 2013.
Summer in the mountains. 80x100cm. oil on canvas. 2013.
Лето в горах. 80x100см. Х., м. 2013.*



Увайси хотирасига. 63x76 см. Мато, мой буйёк, 1999.
Memory Uvaysi. 63x76cm. Oil on canvas. 1999.
Памяти Увайси. 63x76см.Х., м. 1999.

Still-life - Натюрморт

61

8

2-амалий машғулот: Рангтасвир фанини ўқитиш жараёнида интерфаол методлар классификацияси.

Ишдан мақсад: Мавзу бўйича постановка турларини шакллантириш. Натюрморт танлаш. Натюрмортни чизматасвирини бажариш. Натюрмортни рангда ишлаш.

Масаланинг қўйилиши — рангтасвир ўқитувчиси орқали ёшларимиздаги қобилият ҳамда имкониятларни аниқлаб, уларни тўғри шакллантириш ва юзага чиқариш, рангтасвир педагогикасининг ўзига хос мураккабликларини тушуниб, унинг нозик қирраларини тингловчиларга улашиш маҳоратига эга бўла оладиган устозларни етиштириб чиқаришдир

⁸ Архитектура Қурилиш институти “Рангтасвир –қаламтасвир” кафедраси доктаранти Н.Гилмановнинг асарлари.


Ишни бажариш учун намуна:

1-расм



Натюрморт танланади ва уни чизматасвири ишланиб сўнг ранг тасвирда ишланади.

2-расм



Натюрморт танланади ва уни чизматасвири ишланиб сўнг ранг тасвирда ишланади.

3-расм



9



10

4-расм



⁹ "Sunflowers belong to me": Vincent van Gogh wrote in a letter to his brother Theo;Thirteen Sunflowers in a Vase, 1888.-Paintings: that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York.- 2003.- P.-146

¹⁰ Paul Gauguin in his Self-Portrait of 1888 (Les Misérables.- Paintings: that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York.- 2003.- P.-146

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқити

шни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/Қанақа (How), Нима-натижа (What).

1- Кейс. Леонардо да Винчи “Монна Лиза” картинасини чизаётганда асар қаҳрамонининг ички дунёсини очиб бермаганида асар картина даражасига кўтарилармиди?

Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлари


- 1. Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни (кичик ва индивидуал гуруҳларда аниқлаш)*
- 2. “Монна-Лиза” портрети ишлашда қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини очиб беришда рассомнинг маҳоратини аниқланг. (гуруҳларда таҳлил ёзма ёки оғзаки.)*

1-расм



Рассом неґа бу
расмда “Монна
Лиза”ни
мийиғида кулиб
турганини
тасвирлаган?

11



2-расм

¹¹ Leonardo da Vinci (Italian, 1452-1519)//Mona Lisa (La Gioconda).- Paintings: that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York.- 2003.- P.-62



**Леонардо да Винчи
Бу картинани
ишлаганда яна
қандай манзара
қўйиши мумкин эди?**

**Нега айнан у табиат
манзарасини “Монна
Лиза” картинасида
акс эттирган?**

3-расм



**1) “Мона Лизани”
ҳақиқий портрети
қайси давлат ва
қайси музейда
сақланади”**

**2) Ушбу картинани
яна қайси
рассомлар
ишлаган.¹²¹³**

¹³ Leonardo da Vinci (Italian, 1452-1519)//Mona Lisa (La Gioconda).- Paintings: that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York.- 2003.- P.-63

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

1. Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни.

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;

- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;

- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;

- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;

- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

2. Мустақил таълим мавзулари.

1. Ўзбекистонда санъат турлари ва уларнинг ривожланиши

2. Тасвир ечим устида ишлаш (Қаламтасвир услубларини қўллаш мисолида)

3. Тасвир ечим устида ишлаш (Амалий санъат мисолида)

4. Тасвир ечим устида ишлаш (Рангтасвир услубларини қўллаш мисолида)

5. Тасвирий ва амалий санъат фанларининг ривожланиш жараёнлари ва воситалари.

6. Ижодий изланиш жараёнлари ҳақида (Линагравюра техникаси мисолида)

7. Тасвирий ва амалий санъат фанларини ўқитишда замонавий машқ ва услублардан фойдаланиш.

8. Тасвирий ва амалий санъат фанларини ўқитишда инновацион педагогик усулларни қўллаш.

9. Бўлажак мусаввирларни тайёрлашда ихтисослик фанларини ўқитишнинг инновацион технологиялари. “Ўзбекистонда санъат турлари ва уларнинг ривожланиши”

10. Амалий санъат фанларини ўқитишда техник воситалардан фойдаланиш.

VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
Автопортрет	(грекча сўздан. Outos-ўзим) - рассом ўзини-ўзи тасвирлаган портрет. Бу ҳолда рассом ҳам, тасвирдаги шахс ҳам бир кишининг ўзидир.	(The Greek word. I Outos-) - portrait painter, a self-described. In this case, the artist, the person is also a person.
Акцент	(лотинча сўздан. Accentus-урғу) – Тасвирий санъатда ранг, тус, чизиқ ёки буюм, шаклнинг, чеҳрани тасвирий санъатда ранг, тус, чизиқлар ёрдамида урғу беришдир.	(A Latin word. Accentus-emphasis) - fine arts, color, scale, line or unit, the face in the form of fine art in color, scale, and stressed that the strips.
Алла прима	(италиян сўзидан Alla prima - бир йўла, бир ишлашда)–нафис тасвирий санъатда ишлатилган усул. Картина (асар) олдиндан кўшимча тайёргарликсиз, яъни бир сеансда тугалланган.	(The Italian word Alla Prima - at the same time is a) the method used - nafis fine art. Painting (work) without additional preparation, which is completed in one session
Анфас	фас, олдан кўриниши, юз кўриниши	FAS excreted appearance, facial appearance
Абрис	чегара чизиқ	boundary line
Абстракционизм	мавхум санъат асарларини ўз ичига олган бадиий йўналиш.	abstract art, including works of art direction.
Авангардизм	XX асрда пайдо бўлган, янги шакл, услуб, усул ва бошқа тасвирий воситалар асосида ихтиро қилувчи, изланувчи (баъзида бу сўз билан янги бадиий йўналишларни ҳам аташади).	he twentieth century, new forms and styles, methods, and other visual means of the invention, the researchers (sometimes called the new artistic directions).
Автолитография	рассом ўз асарини тошбосма усулида	painter, his work

	ишлагани.	lithographic method.
Академизм	академик услубга оид бадийий йўналиш	academic style art direction
Акварель	(французча сўздан aquarelle, лотинча aqua-сув) – сувда тез эрийдиган ва ювиладиган майин ва шаффоф бўёқ. Акварель тасвири ниҳоятда рангли, нафис ва нозик. Оқ бўёқ сифатида кўпинча қоғоз замини сақланади.	(The French word Aquarelle, Latin aqua-water) soluble in water and detergent, soft and translucent paint. Watercolor image was colorful, elegant and delicate. White paint is often stored in the floor of the paper.
Анимал жанр	ҳайвонот дунёсини, жониворларни тасвирловчи тасвирий санъат тури.	wildlife art depicting animals.
Ансамбль	биноларнинг бадийий шакл ва услуб жиҳатидан бир-бирига уйғун кўриниши: бир усулда тикилган кийим-кечак, бадийий услуб жиҳатидан бир-бирига ўхшаш мебель ва ҳоказолар.	artistic harmony with one another in terms of shape and style of the buildings look: clothing sewn in a way, similar to one another in terms of style furniture and so on.
Антик санъат	қадимги деган маънони билдиради. Тараққий этган қадимги Юнон, Рим санъати назарда тутилган.	the oldest means. Developed in ancient Greek, Roman art world.
Блик	(немис сўздан Blik – қараш. боқиш)- ёруғ-соя элементи. Ёритилган буюмнинг энг ялтироқ жойи, айниқса ялтироқ жисмда. Ёритилган қисмдаги умумий тусга нисбатан энг ёруғ, ялтироқ, ёриқроқ қисмидир.	(German Blik look. Support) - the element of light-shade. Illuminated shiny surface of a workpiece, especially shiny objects. Reflected the general nature of the bright, shiny surface area.
Бадийий	борликни, инсонни, унинг ҳаётидаги воқеаларни, кечинмаларини ўзаро ўхшатиш, шакллантириш	things, the man, his life experiences, feelings of mutual emulation, the formation and multicolor

	ва ранго-ранг тасвирлаш.	imaging.
Бадиий усулб	санъатда кўлланиладиган усул.	The method used in the art.
Биенале	икки йилда бир марта бўладиган кўргазма	once in two exhibition
Бюст	одамнинг кўкрагигача тасвирланган ҳайкали	a statue of the man described in the chest
Ватман	рассомчилик ва чизмачиликда ишлатиладиган қалин, олий нав қоғоз.	Arts and chizmachilikda used thick, high-grade paper.
Вариант	(лотин сўзидан-ўзгарувчан) – санъат асарининг муаллиф томонидан такрорланиши. Шунингдек композиция, картина ранг ечимига, қомат ҳаракатига, кўл ҳаракатига ўзгариш киритиш. Сюжетли композицияда маъно(тема)ни сақлаган ҳолда тасвирларни ўзгарган ҳолати	(Latin so'zidan- changing) - reproduced art work by the author. As well as the composition, the picture colors, body movement, and changes in the movement of the hand. The meaning of the bewitching composition (material), keeping images of change position
Галерея	тасвирий ва амалий санъат асарлари сақланадиган ва кўргазмалар ўтказиладиган махсус бино. Маълум асарлар туркуми ҳам тушунилади. Масалан, портрет галереяси.	storage of works of fine and applied art and special exhibitions are held in the building. Understood as a series of works. For example, the portrait gallery.
Гобелен	суратли гилам	carpet pictures
Грунт	замин, тасвир заминини (холст) тайёрлаш.	on the ground, to prepare the ground for the image Canvas.
Гармония	(грекча сўз бўлиб, harmonia – хушбичим, умумийлик, қисмлари (бўлаклари) келишган) –Тасвирий	(The Greek word harmonia - looking, in common parts (pieces) come) -Tasviriy common

	санъатда тасвирланаётган буюм шакли ёки рангнинг ўзаро умумийлиги, хушбичимлиги.	shape or color of the item described in the art, elegance.
Графика	(грекча сўздан олинган бўлиб, graphikos – чизиқли, чизилган) – тасвирий санъатнинг бир тури. Рангтасвирга нисбатан кам ранг ишлатилиб, асосан оқ ва қора контраст ранглар, чизиқ ва штрихлар характерлидир. Графикага чизматасвир, гравюра, литография каби босма тасвир турлари киради.	(Derived from the Greek word, graphikos line drawing) - a type of fine art. Rangtasvirga less color is used mainly in black and white contrast color, line and bar characteristic. Chizmatasvir graphics, engraving, lithography, such as the printed image.
Гризайль	(французча – gris -кулранг) – бир хил рангда мўйқалам ёрдамида бажарилган тасвирий асар. Оқ ва қора рангда туси билан фарқ қиладиган усулда ишланган тури.	(French gris -kulrang) - works of art using the brush in a different color. White and black colors with different methods.
Деталлаштириш	(детализация) – тасвирий санъатда детал (қисм)ларини алоҳида пухта ишлаш. Деталлаштириш расом усулига қараб ҳар хил даражада бўлиши мумкин.	(Detalizatsiya) - Fine art components (II) are as well. The artist may be different depending on the method of detail.
Деталь	(французча – detail – муфассаллик, мукамаллик): 1) элемент; 2) характерли қисм мукамаллиги; 3) тасвирдаги унча аҳамиятли бўлмаган қисми; 4) фрагмент.	(French - details - detailed benchmarks): 1) element; 2) characteristic of perfection; 3) The picture is not less important part; 4) fragment.
Жанр	(французча – genze - тур) – тасвирий санъатда мавзу ўхшашлигини бирлаштирувчи тушунча.	(French - Genzyme - round) - unifying theme is similar to the concept of fine art. Rangtasvirida:

	Рангтасвирда: натюрморт, интерьер, пейзаж, портрет, сюжетли картина (маиший, тарихий) турларидир.	still life, interior, landscape, portrait, bewitching painting (living history) species.
Живопись	(рангтасвир) – тасвирий санъатнинг етакчи туридан бири. Нафис тасвирий санъат холст, картон, қоғоз ва бошқалар сатҳ текислигида бўёқларда бажарилади. Рангтасвирда: сувли бўёқ – акварель, мойбўёқ, темпера, энкаустика, пастель – куруқ бўёқ, гуашь каби ашёлар (бўёқлар) ишлатилади.	(Painting) - one of the leading forms of fine art. Fine art canvas, cardboard, paper and other steps performed painted the plains. Rangtasvirda: watercolor, watercolors, oil paintings, tempered enkaustika pastel paint dry, like guash materials (paints).
Интерьер	(французча – interieur – ички, ичкаридаги) – ички кўриниш, бинонинг ички хоналари кўриниши ва унинг тасвирий саъатда тасвирланиши. Шунингдек, хона, бино ичидаги нарсалар, буюмлар, деворларнинг (мозайка, фреска, нақш, матолар билан) кўриниши.	(French - interieur - inside, outside) - the view, the view of the interior of the building and its visual description of sa'atda. As well as the rooms within the building materials, walls (mosaic, fresco, patterns, fabrics).
Картина	(расм, сурат) – алоҳида белгиланган нафис тасвирий санъат асари. Расм (картина) ҳар хил жанрда бўлиши мумкин. Этюдга нисбатан борликни (натурани) пухта ўйланган ва пухта ишланган, тугатилган, деталлари ва шакллари моҳирлик билан акс эттирилган кўринишидир.	(Photo) - the delicate work of fine art. Photo (picture) may be a different genre. Essays assets (natural) well-thought-out and well-finished details are reflected in the forms and subtle forms.
Керамика	(грекча – keramikos – лойда ишланган кулолчилик	(Greek Keramikos - made of clay pottery works),

	асаридир) Амалий безак санъат асари. Ҳайкалтарошлик ва уй-рўзғор идишлари, буюмлари ҳар хил навли лойдан ва ҳар хил безакли ишлов берилиб, алоҳида хумбузда пиширилади.	applied decorative art. Sculpture and household utensils, pieces of various types of clay and a variety of decorative products, cooked xumbuzda.
Колорит	(лотинча – color – ранг, бўёқ) – санъат асарининг алоҳида ранг ва тус тузилишидир. Колоритда реал борлиқ (натура)нинг табиий рангларини алоҳида мақсадли ажратиб бадиий образли бўёқларда акс эттириш. Ранглар мажмуаси ва ранг гўзаллиги нисбатлари. Иссиқ ва совуқ, ёрқин, қизғиш, мовий каби гаммаларда бўлиши мумкин. Асар инсонда руҳий ва бадиий образ хиссиётини уйғотиши мумкин	(Latin - color - the color of paint) - a work of art became a separate color and structure. Style real assets (in-kind) in the natural colors of the special purpose of art painted imagery of the display. A set of colors and the beauty of color ratios. Hot and cold, bright, red, blue gammalarda. Work can awaken feelings of the human spirit and artistic image

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Махсус адабиётлар:

1. Булатов С. Тасвирий ва амалий санъат асарларини фалсафий-психологик таҳлили.- Т., 2010
2. Тавирий санъат амалиётида педагогларни тайёрлаш.-Т, 2006
3. Худайберганов Р.А. Рангшунослик асослари. – Т.: Ё.Ўлом нашриёти. 2006. – 220 б.
4. Худайберганов Р.А. Композиция. - Т.: Шарқ, 2007. – 235 б.
5. Худайберганов Р.А. Маҳобатли рангтасвир техника ва технологияси.-Т.: Фан ва технология нашриёти.- 2015. – 130 б.
6. Муинов О. Рангтасвир. - Т.: Шарқ нашриёти, 2008. – 195 б.
7. Deborah A. Rockman. The Art of Teaching Art: A Guide for Teaching and Learning the Foundations of Drawing-Based Art. - Oxford University Press, England 2000
8. Andrew Paquette. An Introduction to Computer Graphic for Artist.- Springer Publishing Company, Incorporated, USA 2013
9. Salvatore Greco. Multiple Criteria Decision Analysis: State of the Art Surveys.- Springer-Verlag New York, USA, 2005
10. Paintings: that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York.- 2003.
11. Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye.- University of California Press, USA 2004
12. Finola Kerrigan, Peter Fraser, Mustafa Ozbiling. Art marketing. - Paperback Germany, 2004.
13. «Art and Design: Intermediate and Advanced Level» Muallif: Klaus Rayhold, Bernhard Graf. - Нашриёт: «Престел Энгланд» Англия, 2003.

Интернет сайтлари:

1. www.press-service.uz
2. www.gov.uz
3. www.ziyonet.uz.
4. www.edu.uz
5. www.dsmi.uz
6. www.bimm.uz
7. www.mrdi.uz
8. www.dsmimarkaz.uz